

Jalalova G.OLeading researcher at the National University of Uzbekistan
фал.ф.д.(PhD)**MODERN STUDIES ON THE INFLUENCE OF CULTURE ON THE
COGNITIVE CHARACTERISTICS OF YOUNG PEOPLE****ANNOTATION**

The author substantiates the influence of national culture on the process of educational and cognitive formation of cognitive structures with the help of a scientific approach and experiments on the modern interdisciplinary approach. The article emphasizes that when adopting modern educational programs, it is necessary to take into account the influence of culture, values on youth cognitive systems.

Key words: culture, cognitivity, knowledge, interdisciplinary approach, complex system, order parameter

Маълумки, ёшлар доимо жамиятнинг фаол ижтимоий субъекти сифатида жамият тараққиётининг келажагини белгилаб берувчи асосий куч ҳисобланади. Айниқса, бугунги кундаги тобора глобаллашиб, мураккаблик, ночизиқлик ортиб бораётган даврда ёшларимизнинг тафаккури, уларнинг қадриятлари, билим ҳосил бўлишида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи когнитивлигини ўрганиш долзарб муаммодир. Шунингдек, дунёдаги глобаллашув, миграцион жараёнларнинг тезлашуви турли георафик ва миллатга хос бўлган қадриятлар ва когнитив структураларни тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ўйлаймизки, бу муаммо жуда ҳам долзарбдир. Чунки Европа ва кўплаб давлатлар Болон жараёнини ривожлантиришга интилаётган бир вақтда, мазкур дастур барча Осиё ва Европалик талабаларининг когнитив структураларига мос келиш масаласи юзага келади. Шу сабабли турли минтақа кишиларга хос когнитив тизимларини тадқиқ этиш борасида бир қанча олимлар тадқиқотлар олиб бормоқдалар ҳамда эпистемологик схемалар тақдим этмоқдалар. Мақоламизда ана шундай тадқиқотларнинг айримлари хусусида фикр юритамиз.

Ричард Нисбетт, Кейпинг Пенг, Инчеол Чой, Ара Норензаян¹ каби олимлар ўтказган илмий тадқиқотлар кўрсатишича, турли маданий ва ижтимоий муҳитда турли тафаккур тарзи, кадриятлар, маданият ривожланади. Олимлар ўз фикрларини Осиё ва Европалик ёшларнинг когнитив тизимидаги хусусиятларни қиёсий ўрганиш асосида ўз хулосаларини тақдим этадилар. Мазкур олимларнинг хулосларига кўра, Шарқий Осиё ва ғарбий европада яшайдиган ёшлар когнитив структуралари бир биридан фарқ қилади. Осиёликлар холистик характерга эга бўлган тафаккурга эга бўладилар. Оламни тизимли тасаввур этадилар ва фаолиятлари ҳам шунга мос бўлади. Европалик ёшларнинг тафаккур тарзида аналитик жиҳатлар устуворлик қилади. Осиёликлар оламни ўзаро боғлиқликда ва ўзаро таъсирда деб кўрадилар, европаликлар эса конкрет объектга эътибор қаратадилар. Олимлар бундай когнитив фарқли жиҳатларнинг сабабини шаклланган ижтимоий когнитив тизим деган гипотезани илгари сурмоқдалар. Бундай қараш шу кунгача психология ва эпистемологиядаги мавжуд ёндашувлар, қоида ва қарашларга фанлараро ёндашув асосида янгича ўрганишни талаб этади деб ҳисоблаймиз. Чунки эпистемология, гносеология, психология, педагогикада ҳам кўпгина билимлар, жумладан когнитив тизимлар, билим ҳосил бўлиш жараёни барча миллат, минтақалар учун универсал характерга эга деб ҳисобланган. Аммо кейинги йиллардаги тадқиқотлар бу хулосаларимизнинг нисбий эканлигини исботламоқда.

Масалан, Милл тадқиқотларида барча когнитив жараёнлар барча соғлом инсонларда бир хил деган фикр илгари сурилади ва бу ғоя XX асрда устуворлик қилди. Аммо ва Нисбетт ва унинг ҳамфикрларининг изланишлари кўрсатишича, когнитив тизимлар турличадир. Осиё ва Европаликлар турлича методология ҳамда кадрит тизимлари, категорияларни ўзлаштириб оладилар ва улар ўз навбатида уларнинг билим ҳосил қилиш фаолиятларига ўз таъсирини кўрсатади. Бунга сабаб қуйидагилардан иборат:

¹ Ричард Нисбетт, Кейпинг Пенг, Инчеол Чой, Ара Норензаян. Культура системы мышления: Сравнение холистического и аналитического познание. Психологический журнал. 2011, том 32, № 1, с. 55–86.

биринчидан кишилар амал қилувчи содда метафизика яъни оламдаги сабабият ва реаллик ҳақидаги тасаввурлар тизими; иккинчидан, имплицит эпистемология (кишиларнинг билими, билим турлари, оламини ўрганишга ёрдам берувчи когнитив тизимлар); учинчидан, улар яшаётган табиатдир. Тадқиқотлар кўрсатадики, жамият таъсирида кишиларда олам манзараси(метафизика) шаклланади. Метафизика таъсирида эса имплицит эпистемология ривожланади. Кишилардаги имплицит эпистемология, яъни қандай билимларни ўрганиш зарур ва қандай қилиб билим олиш мумкинлигини белгилайди. Эпистемология турли когнитив жараёнларнинг ривожланишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, жамият ва маданият турли ижтимоий когнитив тизимларнинг ривожланишига сабаб бўлар экан. Турли маданиятларда маълум бир ҳолатларда ўзгача когнитив жараёнлар амал қилади; когнитив жараёнлардан фойдаланиш частотаси, даражасида фарқлар бўлади. ...фикрлаш жараёнида турли имплицит ва хатто бошқа шаклдаги эксплицит норма ва стандартлар қўлланилади². Бундан Нисбитт “...турли маданиятлар бир хил асосий когнитив жараёнлар тизимига эга бўлишларига қарамасдан, бир турдаги муаммони ҳал қилиш учун турли воситалардан фойдаланадилар” деган хулосага келади³. Лондон когнитив нейрофизиология университети профессори Сара Джейн Блейкмор ҳам маданият муҳитнинг ўсмирлар миёсига таъсир этувчи жуда ҳам кучли омил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди⁴.

Бу когнитив йўлланмалар минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Масалан, 130 йил олдин Японияга индивидуализмга асосланган капиталистик хўжалик юритиш амалиёти киритила бошланган. Аммо тадқиқотлар кўрсатадики, бундай кучли ижтимоий омиллар ҳам японларда

² Ричард Нисбетт, Кейпинг Пенг, Инчеол Чой, Ара Норензаян. Культура системы МЫШЛЕНИЯ: Сравнение холистического и аналитического познание. Психологический журнал. 2011, том 32, № 1, с. 55–86.

³ Ўша манба. - Б. 80.

⁴ Мышление. Под ред. Д. Брокмана. М.: АСТ, 2018. –С. 217.

шаклланган когнитив тизимларга кутилгандай катта ўзгаришларни юзага келтира олмаган.

Демак, когнитив жараёнлар мураккаб тизим бўлиб, маълум бир тартиб параметрига амал қилади. Тартиб параметри тизимдаги элементларнинг ўзаро монанд ҳаракатлари йўналишини, фан элементларининг ўзаро муносабати ва унинг структурасини белгилайди. Янги ғоялар, янги когнитив воситалар “тартиб параметрлари”⁵ бўлиб хизмат қилади. Маълумки, очик, беқарор, мураккаб тизимларда тартибнинг сабаби тизимнинг беқарорлигидир⁶. Уларнинг ўзгариши учун тартиб параметрлари ўзгариши керак. Мазкур илмий хулосалар билим ишлаб чиқариш ва инсон капиталини ривожлантириш стратегияга айланган бир даврда ижтимоий когнитив тизимларни таълим жараёнларида эътиборга олиниши учун фанлараро ёндашувга асосланган тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Шунингдек, ҳар бир мамлакат таълим жараёнидаги трансформацияларни амалга оширишида албатта миллий маданият хусусиятларини эътиборга олиши лозим. Масалан, жуда кўплаб жаҳон таълим тизимидаги тажрибалар таълимда қўлланар экан, улар кутилган натижалар бермаслиги мумкин. Бугунги кунда коронавирус пандемияси туфайли онлайн дарслар ўтилмоқда, турли методологик услублар қўлланмоқда. Бу жараён қандай самара бермоқда? Бу янги амалиётларни кенг қўллаганимизда ёшларимиздаги миллий хусусиятларини, кадриятларини ҳисобга олиш зарурми ёки йўқми? Бу саволларга файласуфлар, социологлар, психологлар, педагоглар билан ҳамкорликда фанлараро ёндашув асосидаги тадқиқотларда жавоб топилади. Шундай экан, республикаимизда фан ва таълим, жамият трансформациялари амалга оширилаётган жараёнда фанлараро ёндашувни ривожлантириш муҳим ва долзарб масаладир.

⁵ Хакен Г. Тайны природы. Синергетика наука о взаимодействии. Перевод с нем. Логунова. - М.: Ижевск, 1997. - С. 272.

⁶ Добронравова И.С. Синергетика: становление нелинейного мышления. – К.: Лыбидь, 1990. - 149 с.